

ФАН ВА ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИЯ, УНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ

Ж. Рўзиев,

Самарқанд давлат чет тиллар

институту тадқиқотчиси

(Тел: +99897 288-54-14)

Аннотация:

Мазкур мақолада постмодерн социумда фанларининг ўрганиш объекти мураккаблашиб бориши, мураккаб тизимлар намоён бўлиши, уларни илмий билишнинг методологик асослари, инновацияни шакллантиришнинг конструктив моҳияти ижтимоий-фалсафий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Фан, методологик онг, объект, ақл, инновация, конструктивлик, дунёқараш, субстанция.

Ҳозирги замон фанларининг ўрганиш объекти борган сари мураккаблашиб бормоқда. Фан объектлари сифатида мураккаб тизимлар намоён бўлганда, уларни илмий билишнинг методологик асосини ҳам ўзгартирилиши тақозо этилади. Чунки, методология объектларни тадқиқ этишнинг назарияси сифатида ориентация вазифасини бажаради.

Ҳозирги вақтда фан аввало ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Бу фан жамиятда амал қилувчи ранг-баранг кучлар ва таъсирларга боғлиқ эканлиги, ижтимоий контекстда ўз устувор вазифаларини белгилаши, муросаи мадорага мойиллиги ва ўзи ҳам жамият ҳаётини сезиларли даражада белгилашини англатади. Шу тариқа икки хил боғланиш қайд этилади: фан ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида инсониятнинг дунё ҳақида ҳақиқий, аниқ билим олиш ва яратишга бўлган муайян эҳтиёжга жавоб тариқасида юзага келган ва ўз мавжудлик жараёнида жамият ҳаётининг барча жабҳалари ривожланишига анча кучли таъсир кўрсатади. Фан ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида қаралиши шу билан изоҳланадики, унинг асосларини ўрганиш тўғрисида сўз юритилган тақдирда бугунги кунда биз фан деб атайдиган ҳодисанинг чегараси «маданият» чегарасигача кенгаяди. Бошқа томондан, фан ўзининг дастлабки – фаолият ва технология сифатидаги талқинида маданиятнинг бирдан-бир барқарор ва «ҳақиқий» пойдевори ролига даъвогар бўлади.

Фанни олимлар ҳамжамияти ривожлантиради. Шу сабабли фан муайян ижтимоий ва касбий ташкилотга, ривожланган коммуникациялар тизимига эга бўлади. Френсис Бэкон ўз даврида шундай деб қайд этган эди: «Фаннинг такомиллашувини бирон-бир одамнинг қобилияти ёки удабуронлигидан эмас, балки бир-бирининг ўрнига келувчи кўплаб авлодларнинг изчил фаолиятдан кутиш лозим». Олим – доим у ёки бу

ижтимоий-маданий муҳит вакили. Мавжуд илмий-ижодий имкониятларга бутун ижтимоий-маданий майдоннинг таъсири фан препаратининг «софлик» даражасини кўрсатади.

Фанда ҳақиқатни излаш, бинобарин, танқид, баҳс, мунозара ҳам қўллаб-қувватланади. Олим ўзининг касбий маҳоратини мақолалар, асарлар эълон қилиш, илмий давраларда маърузалар билан чиқиш, фанга доир малакавий талабларга жавоб бериш орқали муттасил тасдиқлайди ва кўпинча ўз оппонентлари-ҳамкасблари билан ҳам, жамоатчилик фикри билан ҳам мураккаб муносабатларга киришади. Олим фаолиятининг эътироф этилиши унга илмий даража ва унвонлар берилиши билан боғлиқ. Фанда энг нуфузли мукофот Нобель мукофоти ҳисобланади.

Фан инсон тафаккурининг юксак мевасидир. У ҳозирги давр глобал муаммоларини тўғри онглаш, ечиш, уларнинг хатарларидан сақланиш, борлиқнинг теран сирларини билиш, инсоният онгли фаолиятини янада юксакликка кўтарилиб бориши учун зарур. Лекин, планетамиз ҳаётидаги ҳозирги шароит фан кашф этган билимларни амалиётга қўллаш оқибатлари ва уларнинг ахлоқий қадриятлар билан узвийлашуви бўлмаса, унинг зарари фойдасидан анча катта бўлишини кўрсатди. Айни пайтда унинг инсон онги тараққиётининг энг олий марраси эмас, балки унинг чекланган эволюцион босқичи эканини кўрсатадиган жиддий ялпи инқирози кузатилмоқда. Уни шу инқироз ёқасига олиб келган кризисдан чиқариш борасида жиддий изланишлар олиб борилиши керак. Фаолият сифатида фан мақсадларни белгилаш, қарорлар қабул қилиш, йўл танлаш, ўз манфаатларини кўзлаш, масъулиятни тан олиш майдонида амал қилади. В.И.Вернадский фаннинг айнан фаолият сифатидаги талқинини алоҳида қайд этган эди: «Фаннинг мазмуни илмий назариялар, гипотезалар, моделлар, у яратувчи дунёнинг манзараси билан чекланмайди, унинг негизи асосан илмий омиллар ва уларнинг эмпирик хулосаларидан ташкил топади, тирик одамларнинг илмий иши унинг асосий жонли мазмунини ташкил этади»¹.

Фан ва таълимда инновация янгилик олиб кириш деган маънони англатади, бироқ у фақат амалий, эмпирик фаолиятгина эмас. У назария, таълимот, фалсафа сифатида ҳам келади. Инновация фалсафаси ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётга янгилик олиб киришнинг моҳиятини, бу янгиликнинг гносеологик масалаларини, илмий билишдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганади. Янгилик ва эскилик, новация ва традиция масалаларига оид концептуал ғояларни, назарияларни тадқиқ этади, инсоннинг янгиликка интилиб, янги нарсаларни ўрганиб яшашга бўлган интилишларини очиқ беради.

Инновация фалсафасини ўрганиш, билиш янгилик тарзида тақдим этилаётган воқеликнинг, усулнинг ижтимоий тараққиёт, борлиқни такомиллаштириш

¹ Вернадский В.И. Проблема биохимии. – М., 1988. – 252-б.

қонуниятларига қанчалик мувофиқлигини англашга, янгиликка “мода” деб эмас, балки объектив зарурият сифатида қарашга ёрдам беради. Бу фалсафа инновациянинг стратегиясини, узокқа, келажакка йўналтирилганлигини тўғри баҳолаш учун зарур. Илмий-техник янгиликлар келтирган экинчи даражадаги, гиподинамия, стресс ва рухий тушқунликлар ҳар қандай илмий-техник янгиликни ҳам ижобий баҳолайвермасликка ундайди. Бобда ана шундай илмий масалалар муҳокама қилинади, уларнинг гносеологияга қўшадиган ҳиссаси очиқ берилади.

Илгари “инновация” сўзи асосан илмий-техник соҳаларда қўлланилган, яратилган ихтирони, янгиликни, ишланмаларни олиб кириш, жорий этиш маъносини англатган. “Инновация” латинча бўлиб, “ин” ичи, ичига, “новация” янги, янгилик деган маънони англатади. “Инновация” эса олиб кириш, жорий этиш, бирорта янгилик киритиш, деган маъноларни беради. Баъзи манбаларда “инновация объектнинг олдинги тараққиётида бўлмаган маданий воқелик, ўзгариш, янгилик, фаолият жараёнида қўлланиладиган янги усул, восита, механизмлар, деб таъриф берилади.² Мазкур луғатдаги мақола муаллифи В.Л.Абушенко инновацияни маданий воқелик сифатида талқин этади, шунинг учун ҳам у диққатини социомаданий борлиқдаги ўзгаришларга, киритиладиган янгиликларга қаратади. Аммо бугун у, яъни инновация ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, гуманитар, фалсафа, илм-фаннинг деярли барча соҳаларида ишлатилади. Унинг этимологик маъноси ўша, бироқ ҳар бир соҳа уни ўзининг имманент хусусиятлари, гносеологик мақсадлари ва функцияларига мувофиқ у ёки бу жиҳатлар билан тўлдиради. Қандай бўлмасин инновациянинг талқинлари янгилик, янгилик излаш ва янгилик олиб кириш билан боғлиқдир.

Хўш, янгилик нима? Ҳар доим ҳам янгилик “мутлақ янгилик”, “соф янгилик” тарзида келадими? Янгиликда ўтмиш, тажриба, анъана бўлмайдими? Қайси белгиларига кўра биз воқеликни ёки нарсани янгилик деб атаймиз? “Соф янгилик” мавжудми? Ҳаёт, тараққиёт, ўсиш ҳар доим ҳам янгилик инъикоси, натижасими? Инновациянинг фалсафий воқеликка (инновация фалсафасига) айланиши қандай рўё беради?... Мазкур саволлар бизни муаммога аввало ретроспектив, ундан кейин гносеологик ва ижтимоий-фалсафий, ниҳоят эса ижтимоий ижодий, амалий фаолият тури сифатида ёндашишга ундайди. Мазкур изчил ва тизимли функционал ёндашув инновацияни яхлит воқелик, у моҳиятан фалсафий, кўринишларига мувофиқ амалий фаолият эканини англашга ёрдам беради.

Маълумки, билимга, янгиликка инсон қандай эришади деган саволга жавобан фалсафада турли йўналишлар шаклланиган. Масалан, Аристотелни фикрига кўра, инсон тажриба орқали билимга эга бўлади, ташқи дунёда мавжуд бўлган нарсалар, ҳодисалар инсонни сезгиларига таъсир қилиниши таъкидланади. Платоннинг

² Новейший философский словарь. Сост. А.А.Грицанов. - Минск: Изд. В.М. Скакун, 1998. - С. 268.

ёндашуви бошқача. Унинг ёндашувига кўра: инсон «ғоялар» дунёсида кўрганини «эслаш» қобилиятига эга. Инсон туғилганида ҳақиқий билимларга эга, ҳаёти давомида фақат ташқи таъсирлар натижасида уларни «эслаш» ва улардан фойдаланиши мумкин. Дарҳақиқат, Платон, Декарт ва кейинчалик бошқа файласуфлар таълимотларида ушбу қобилият инсонни ўзида мавжуд, ана шу асосида инсон дунёни ўрганади, англайди деган ёндашув мавжуд бўлган.

Кант таълимотида эса бизнинг онгимизда «азалдан», яъни ҳар қандай тажрибагача априори билим мавжуд. Улар инсонни ҳар қандай тажриба ўтказиш учун имкон беради ва тажрибани шакллари белгилайди. «Ҳар қандай билиш нарсаларни билиш билан эмас балки бизнинг билишимизнинг шакллари ўрганганлиги сабабли ушбу билиш аргiori бўлиши шарт»³.

Кант таълимотида бизнинг онгимизда «соф ақл тушунчалари аргiori мавжуддир», яъни унда олдиндан билишнинг априор шакллари мавжуд, улар унинг билимига зарурийлик ва умумийлик хусусиятини берадилар. «Кантнинг буюк ва фундаментал кашфиёти: инсонлар тафаккури ва идроки ҳар қандай индивидуал тажрибагача муайян функционал структурага эга»⁴. Кантнинг априори тушунчаси инсон тафаккурининг фаоллиги ички манбаа билан боғлиқлигини англатади, яъни тафаккур фаолиятининг асоси инсоннинг ўзидадир.

Мураккаб тизимларни тадқиқи билиш назариясига янги ёндашувлар, тушунчалар шаклланишига олиб келди. Классик фан асосида объектив дунёда аниқлик, муҳаррирлик, детерминизм каби хоссалар мавжудлиги эътироф этилди, тасодиф, ноаниқлик каби ҳолатларни эса субъектнинг хатоси деб қабул қилинган. Классик термодинамика, квант физикаси, биология, мураккаб тизимлар назарияси (синергетика) тасодиф, ноаниқлик, индетерминизм, эҳтимол тушунчаларни объективлигини ва дунёда содир бўлаётган жараёнларга таъсир қилишларини исботлаб берди. Мураккаблик ҳодисасини тадқиқ қилиш тизимнинг нафақат тартибга солинган, барқарор жиҳатларини билиш, балки унинг турғун бўлмаган ҳолатларини ва ўзини-ўзи ташкил қилиш воситасида сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтишини ўрганишни кўзда тутди. Бу тизимга тартибга солинганлик билан бир қаторда ночизиқлик ва тартибсизлик ҳам хос эканлиги билан боғлиқ. Замонавий фанда мураккаблик назарияси (complexity science) фанлараро билимлар соҳаси сифатида ривожланмоқда.

Инновациянинг ғоя, тафаккур, онг, бошқариш, иқтисодий муносабатлар, ижтимоий ҳаёт, жамият муаммолари билан боғлиқ воқелиги унинг сциентив моҳиятини гносеологик ва ижтимоий-фалсафий асосларидан ҳам излашга ундайди. Гносеологик асослари инновацион изланишларни фалсафий қараш, таълимот, назария эканини

³Кант И. Введение 7 // Критика чистого разума. С 376.

⁴Лоренц К. Кантовская концепция аргiori и в свете современной биологии. Эволюция. Язык. Познания. – М., 2001.

тасдиқласа, ижтимоий-фалсафий асослари эса унинг ижтимоий борлиқ, инсон ва жамият ҳаёти билан боғлиқ эмпирик йўналиши ҳам борлигини кўрсатади. Демак, инновация ғоя, тафаккур сифатида фалсафий таълимот, қараш, ижтимоий борлиқнинг техник ва эмпирик муаммоларини ҳал этишга йўналтирилгани билан прагматик фаолиятдир.

Бугун олиб борилаётган илмий ва техникавий ишланмаларда “революция”, инқилоб яратишга интилиш кучли. Ген инженерияси, 5D ва 3D принтер, робот – мутахассислар, ҳайдовчисиз автомобиллар, сунъий органлар трансплантацияси, рақамли бошқариш, нейрон алоқалар, нейропротезлар, сунъий хотира имплантациясида ҳаётни инсондан бегоналаштириш хавфи мавжуд. Сунъий одам яратиш масаласини илмий-техник кашфиётларни бугун осонгина ҳал этиш мумкин. Демак, биз яшаётган дунё, олам инсондан ташқарида, ҳатто унинг қизиқиш ва манфаатларига зид тарзда шаклланиши мумкин. Шундай экан, бу илмий ва техникавий ўзгаришлар инсон диққатини тортмаслиги мумкинми? Инновация фалсафасининг бош ижтимоий функцияси илмий-техник ишланмаларга гуманистик моҳият, инсонсеварлик бахш этишдадир.